

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲОЗИРГИ  
КУНДАГИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ

Хўжаназарова Мақсуда Муҳаммадиевна

Саф қисми курслар бошлиғининг Хотин-қизлар масалалари бўйича  
ўринбосари, подполковник

**Аннотация:** Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланишида сўнгги йилларда қўзга ташланган ташвишли тенденциялар, жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оиласи муносабатларга аёллар жиноий хулқ-авторининг салбий таъсири ортиб бораётгани, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг тузилишида таъмагирлик жиноятлари етакчилек қилиши, бу жиноий қилмишлар давлатнинг иқтисодий тузумига ва фуқароларнининг шахсий мулкига катта моддий зарар етказаётганлиги, аёллар жиноят содир этишига турткি берувчи ўзига хос сабаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, изчил профилактика ишини йўлга қўйишнинг зарурлиги, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг муаммоларини илмий ўрганиш даражасининг пастлиги, бу аёллар ўртасида жиноятнинг олдини олиш ишларини ташкил этишига салбий таъсир қўрсатаётганлиги ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** тенденция, жиноят, профилактика, олдини олиш, муҳит, криминоген ҳусусият, хотин-қизлар

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ЖЕНСКОЙ  
ПРЕСТУПНОСТИ

**Аннотация:** Тревожные тенденции развития преступности среди женщин в последние годы, усиливается негативное влияние преступного поведения женщин на общество, духовно-психологическую среду в обществе, отдельные институты общества, особенно семейные отношения, увеличивается преступность супружеской измены. лидируя в структуре преступности среди женщин, это преступные деяния, наносящие большой материальный ущерб экономической системе государства и личному имуществу его граждан, необходимость налаживания последовательной профилактической работы с учетом конкретных причин и условий, мотивирующих женщин совершения преступлений, низкий уровень научной изученности проблем преступности среди женщин, это профилактика преступности среди женщин, считается, что это оказывает негативное влияние на организацию своднической работы.

**Ключевые слова:** тенденция, преступность, профилактика, профилактика, среда, криминогенная личность, женщины.тенденция,

преступность, профилактика, профилактика, среда, криминогенная личность, женщины.

## MODERN TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF FEMALE CRIME PREVENTION

**Abstract:** *Alarming trends in the development of crime among women in recent years, the negative impact of women's criminal behavior on society, the spiritual and psychological environment in society, individual institutions of society, especially family relationships, is increasing, and the crime of adultery is increasing. leading in the structure of crime among women, these are criminal acts that cause great material damage to the economic system of the state and the personal property of its citizens, the need to establish consistent preventive work taking into account the specific reasons and conditions that motivate women to commit crimes, the low level of scientific knowledge of the problems of crime among women, This is the prevention of crime among women, it is believed that this has a negative impact on the organization of pimping work.*

**Key words:** trend, crime, prevention, prevention, environment, criminogenic personality, women. trend, crime, prevention, prevention, environment, criminogenic personality, women.

Аёллар ўртасида жиноятчилик ўзининг ижтимоий белгиланган ҳусусиятларга эга. Бу ҳусусиятлар жамиятда содир бўлаётган тарихий, жуғрофий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий, демографик ва бошқа ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Мазкур ўзгаришлар аёллар ҳаётий фаолиятининг микроижтимоий муҳитида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Микроижтимоий муҳит аёллар ҳаёт йўлининг турли босқичларига ҳар хил салбий таъсир кўрсатади. Бу бевосита ёш, меҳнат фаолияти, моддий аҳвол, оиласвий муносабатларнинг ҳолати каби маълум ижтимоий-демографик тафовутлар билан белгиланади.

Маҳкум аёллар жазони ўтаётган озодликдан маҳрум қилиш жойлари шароитида микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсири айниқса кучли сезилади, бундай жойлардаги муҳит эса ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, эркакларнинг колонияларидағи муҳитдан жиддий фарқ қиласди.<sup>12</sup>

Аёлларга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ва жазони ижро этишнинг самаралилиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиши аёллар шахсида турғун ғайриижтимоий мояилликнинг шаклланишини белгиловчи криминоген омилларнинг таъсири учун шарт-шароит яратади. Бундай омиллар орасида уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига аёлларнинг жалб этилишида ичкилиқбозлиқ, гиёҳвандлик ва фоҳишаликнинг роли, муайян шахсга ва норасмий ижтимоий гуруҳларга, айниқса вояга етмаганларга професионал

<sup>12</sup> .Мухторов Ж.С. Жиноятларнинг олдини олишда маъмурӣ назоратнинг аҳамияти // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 97.

жиноятчиларнинг анъана ва удумларининг таъсири катта. Шунингдек, жиноий фаолият ва фоҳишаликка вояга етмаган қизларни жалб этиш тенденциялари, аёлларнинг расмий меҳнат фаолияти профессионал жиноий фаолият билан чатишиши ҳам диққатга сазовордир.

Тадқиқот орқали биз аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифини беришга, унинг ўзига хос ҳусусиятларини қўрсатишга, жиноятчи аёлларнинг шахсини ва муайян ижтимоий мухит шароитларда унинг шаклланиш механизмини очиб беришга, шунингдек криминологиянинг энг мураккаб муаммоларидан бири ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят содир этган аёлларга жазо тайинлаш муаммосини ҳал қилиш йўлларини таклиф қилишга ҳаракат қилдик.

Шу нуқтаи- назардан аёллар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

-аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланишида сўнгги йилларда кўзга ташланган ташвишли тенденциялар;

-жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик мухитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оиласи муносабатларга аёллар жиноий хулқ-атворининг салбий таъсири ортиб бораётгани;

-аёллар ўртасида жиноятчиликнинг тузилишида таъмагирлик жиноятлари етакчилик қилиши, бу жиноий қилмишлар давлатнинг иқтисодий тузумига ва фуқароларнининг шахсий мулкига катта моддий зарар етказаётганлиги;

-аёллар жиноят содир этишига туртки берувчи ўзига хос сабаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, изчил профилактика ишини йўлга қўйишнинг зарурлиги;

-аёллар ўртасида жиноятчиликнинг муаммоларини илмий ўрганиш даражасининг пастлиги, бу аёллар ўртасида жиноятнинг олдини олиш ишларини ташкил этишга салбий таъсир қўрсатаётгани кабилардан иборатдир.<sup>13</sup>

Тадқиқот доирасида фақат аёллар ўртасидаги жиноятга хос бўлган ва шунинг учун ҳам уни жиноятнинг тузилишидан алоҳида ҳодиса сифатида ажратиш имконини берадиган маълум ҳоссалари ва уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Бу ҳоссаларни ғайриқонуний хулқ-атворнинг объектив кўринишларини ўрганишдагина эмас, аёллар жиноий фаолиятининг ҳусусияти ва бунга туртки берувчи сабабларни баҳолашда ҳам аниқлаш мумкин.

Аёлларнинг жиноий хулқ-атвори ижтимоий воқъеликдаги объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Бундай омиллар орасида ижтимоий омиллар етакчи рол ўйнайди.

Тадқиқот ишида аёлларнинг профессионал жиноятчилиги билан боғлиқ алоҳида ҳусусиятларни кўриб чиқишига эътибор қаратдик. Пировард натижада

<sup>13</sup> Фазилов И.Ю. Жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б. 79–84.

биз мазкур масала юзасидан айрим принципиал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Бу хулосаларнинг қисқача мазмуни шундаки, аёллар профессионал жиноятчилиги жиноий фаолият турларига кўра эркаклар профессионал жиноятчилигидек ранг-баранг эмас. Аёллар профессионал жиноятчилигининг тарихи ҳам шундан далолат беради. Умумий жиноятнинг тузилишида у эркаклар профессионал жиноятчилигига нисбатан ёрдамчи ҳусусиятга эгадир. Норасмий хулқ- автор нормалари ва қоидалари, жиноий анъана ва удумларга риоя қилиш профессионал жиноятчи аёллар муҳитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.

Аёллар профессионал жиноий хулқ-авторнинг юқорида зикр этилган ҳусусиятлари нуқтаи назаридан, бизнингча, бу иллатнинг олдини олишда жиноятчи аёллар шахсига типологик таъриф бериш муҳм аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар бундай аёллар шахсининг бир нечта типини ажратиш имконини берди. Булар: паст малакали жиноятчи аёллар, таъмагирлик- зўравонлик жиноятларни содир этувчи аёллар, юқори даражада профессионал ўғри ва фирибгар аёллар, фохишахоналарининг эгалари, гиёҳвандлик воситалари ва ўғирлик молларини сотувчилар- «ўғри оналар», жиноий фаолияти, одатда, расмий меҳнат бандлиги соҳасида мансаб ваколатларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган «оқсуяк» профессионал жиноятчи аёллар.

Аёларининг ғайриижтимоий хулқ-авторини профилактика қилиш учун Н.Г.Шумский келтирган маълумотлар эътиборга молик. Спиртли ичимликларни сувистемол қилувчи аёлларнинг қўпчилигига руҳий ифанилизм хос. Руҳиятнинг реактив ва аффектив бузилиши ҳам аёллар феъл-авторининг умумий жиҳатларидан ҳисобланади. Улар 30-35 ёшдан кейин аёлларда алкогизм билан касалланиш эҳтимоли анча ортган даврда кучаяди яъни ушбу ёш аёлларнинг энг криминоген ёш гуруҳини ташкил этади.<sup>14</sup>

Гиёҳвандлик ва алкогизмни аёллар ўртасидаги жиноятга бевосита таъсир қўрсатувчи омиллар сифатида профилактика қилиш муаммолари муайян шахс даражасида ҳам, умуман жамият миқёсида ҳам жинсий тубанлашиш билан чамбарчас боғлиқ.

Бизнингча, фохишалик муаммоси билан боғлиқ барча жиноий-хуқуқий қарорлар энг аввало жиноят содир этувчи бундай аёллар шахсига ва фохишаликни эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан алоҳида ёндашиш имкониятига таяниши керак. Бундай ёндашув, биринчидан, жиноят процессида далил-исботлар билан таъминлаш нуқтаи- назаридан юқорида зикр этилган шахсларни янада кенг тавсифлаш имконини беради, иккинчидан эса, индивидуал профилактика ишларини амалга оширишда шахснинг психологик ҳусусиятларини эътиборга олишнинг зарур шарти бўлиб ҳисобланади.

<sup>14</sup> Опыт длящегося криминологического изучения личности во взаимодействии с социальной средой. –М., 1992;

Аёллар ўртасидаги жиноятга таъсир кўрсатувчи криминоген ҳусусиятга эга бўлган салбий омилларни баҳолаш умуман жиноятка таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам аёллар профессионал жиноятчилигини профилактика қилишнинг ҳусусиятларини кўриб чиқишига киришишдан олдин, улар энг аввало жиноятга, шу жумладан аёллар ўртасидаги жиноятга қарши курашнинг умумий сиёсати ҳамда криминал профессионализмнинг олдини олиш чоралари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қайд ўтиб ўтиш керак.

Аёллар профессионал ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш профессионал ҳуқуқбузар аёлларнинг жиноят содир этиш усулларини, ҳуқуқбузар аёлларнинг шахсий ҳусусиятларини эътиборга олиш, уларнинг криминоген алоқаларини аниқлашни назарда тутиши лозим. Профессионал ҳуқуқбузар аёллар фаолиятининг ҳусусиятларини ўрганишда уларга хос бўлган жиҳатларни, жумладан, бундай жиноятлар латентлиги даражасининг юқори эканлиги, жабрланувчиларнинг хулқ-атворидаги виктимологик белгилардан ҳуқуқбузар аёлларнинг фойдаланишини, жиноят иши бўйича тергов жараёнида жиноятчи аёлларнинг хулқ-атворини эътиборга олиш керакки, бу, ўз навбатида, профессионал жиноятчи аёллар иштирокида алоҳида тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг тегишли тактикасини ишлаб чиқишини талаб этади.<sup>15</sup>

Аёллар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқища унинг миңтақавий ҳусусиятларини ҳам эътиборга олиш, уни мана шу ҳусусиятлардан келиб чиқиб прогноз қилиш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу аёллар ўртасида жиноятни профилактика қилишнинг объективлиги даражасини янада оширади.

Жиноятни, шу жумладан аёллар ўртасида жиноятни профилактика қилиш ҳақида сўз юритар эканмиз, аёллар томонидан жиноятларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишга ва аёллар жиноятчилигини олдини олиш муаммосига ҳам эътиборни қаратишни истар эдик.<sup>16</sup>

Ўрганишлар натижасида аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланишида сўнгги йилларда кўзга ташланган ташвишли тенденциялар, жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оиласиб муносабатларга аёллар жиноий хулқ-атворининг салбий таъсири ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. ИИО ходимлари ушбу муаммони олдини олишда, оммавий маданиятнинг салбий таъсири ҳамда ёш қизларнинг салбий маънавий-руҳий омиллардан ҳимоя қилиниши борасида мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида ёш қизларнинг ота-оналари, васийлари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа зарур ташкилотлар билан

<sup>15</sup> Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. – 2017. – Vol. 7. – P. 116 (115–121).

<sup>16</sup> Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегигиси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 3–11.

ҳамкорликдаги тарғибот ишларини жадаллаштириш, ёш қизларнинг содир этган салбий харакатлари учун уларга маъсул бўлган шахс (ота-она, васийлар) ларнинг жавобгарликга тортилиши масаласини кенг тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган сўровномалар ҳамда ўрганишлар хотин-қизлар жиноятчилигининг асосий сабаби сифатида хотин-қизлар бандлиги масаласи эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммони хал этишда хар битта худуднинг ишлаб чиқариш ихтисослигидан келиб чиқиб хотин қизларни қисқа муддатда ва сифатли касбга тайёрлаш, аёлларни худудий иш билан таъминлаш юзасидан самарали дастурларни ишлаб чиқиш, қўзланган натижага эришган дастурларни рағбатлантириш чораларини кучайтириш лозим.<sup>17</sup>

Кейинги масала эса жазо ўтаётган аёлларнинг маънавий ахлоқий холатидир. Жазони ижро этиш муассасаларида жазонинг мақсади-ҳуқуқбузарни жазолаш эмас балки уни тарбиялаш деган мақсаддан оғиш ва бунинг натижасида аёлларнинг маънавий-рухий холатининг жамиятдаги мухитга мослаша олмаслиги бугунги куннинг асосий муаммосидир.

Маънавий етук ва билимли аёл томонидан жиноят содир этилиши бу жудаям камдан кам холатда кузатилиши мумкин, шундай экан хотин-қизларнинг манавий савияси ва билим даражасини ўстиришни узлуксизлигини таъминлаш, етарли натижага эришган аёлларни рағбатлантириш хаттоки жазони ижро этиш муассасаларида ҳам уларни қўллаб қувватлаш лозим. Мисол тариқасида Бразилияда жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган махкумалар бир дона китобни тўлиқ ўқиб чиққанда уларнинг жазо муддати тўрт суткага қисқартирилади.

Аёллар ўртасида жиноятчилик муаммоларини илмий ўрганиш даражасининг пастлиги ҳам аёллар ўртасида жиноятнинг олдини олиш ишларини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатяпти.<sup>18</sup>

Профилактика инспекторларининг аёллар томонидан содир этилаётган ва содир этилиш эҳтимоли юқори бўлган жиноятларни олдини олиш борасидаги самарали усусларини аниқлаш, муносиб рағбатлантириш ва бу усусларни кенг тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аёллар ўртасида жиноятчиликни криминологик прогноз қилиш муҳим аҳамият касб этади. Криминологик прогноз қилишнинг асосий вазифаси жиноятга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашдир яъни аёллар ўртасидаги жиноятга таъсир кўрсатувчи криминоген ҳусусиятга эга бўлган салбий омилларни баҳолаш, аёллар профессионал жиноятчилигининг олдини олиш, профессионал жиноятчи аёлларнинг жиноят содир этиш усусларини, жиноятчи аёлларнинг шахсий ҳусусиятларини

<sup>17</sup> Фазилов И.Ю. Жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б. 79–84.

<sup>18</sup> Шермуҳамедов К. Экстремизм, терроризм ва ахборот хуруджлари тараққиётга таҳдид сифатида // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Рес-публикаси ИИВ Академияси, 2015. – 122 б.

эътиборга олиш, уларнинг криминоген алоқаларини аниқлашни назарда тутишини кўзда тутади.

Тадқиқотларга кўра, умумий жиноятда аёллар содир этадиган жиноий хатти-ҳаракатлар эркаклар томонидан содир содир этиладиган жиноятлардан фарқ қиласди. Шу боис аёллар жиноятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролини маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишида иштирок этишдаги ўрни, жиноят қурбонини танлаш, майший турмуш шароити кабиларга криминологияда алоҳида эътибор қаратилган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилади ва зарур тавсиялар берилади.<sup>19</sup>

Аёллар жиноий фаоллигининг умумий даражаси яқин ўн йилликда анча барқарор бўлиб қолади. Аммо бунга мамлакатимизнинг айрим вилоятларида диний ақидапарастлик, терроризм ғояларининг тарқалиши мавжуд вазиятга бақарорлаштирувчи омил сифатида таъсир қўрсатиши мумкин. Узоқ муддатли прогнозлар тузишда бу ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни ҳам эътиборга олиш керак.

Аёллар ўртасида жиноятни криминологик прогноз қилиш соҳасида давлатнинг умумий саъй-ҳаракатлари ва статистик ҳисоботини, юридик, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва бошқа статистика маълумотларини такомиллаштиришга йўналтирилган муайян чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Криминологик прогноз қилиш соҳаси Ўзбекистонда деярли ривожланмаган бўлса ҳам, уни ривожлантириш жиноятга, шу жумладан, аёллар ўртасидаги жиноятга қарши кураш чораларини танлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўлида катта аҳамият касб этган бўларди.

Хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар статистикасига кўра, аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятлар орасида юқори кўрсаткичга эга бўлган жиноятлар тури ва кўрсаткичи қўйидагича (2018-2022 йиллар) сўнгги 5 йиллик кўрсаткич:<sup>20</sup>

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Жами	7075	5032	5774	9759	11460
қасдан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш	54	43	41	54	39
баданга қасдан оғир жароҳат етказиш	101	73	86	93	119
товламачилик	51	51	44	81	97
номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	2	4	0	4	3

<sup>19</sup> Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 186 б. 90.

<sup>20</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юридик фанлари номзоди иммий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2009. – 208 б.

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-6 ISSUE-11 (30- November)**

ўғрилик	753	510	637	1469	1550
талончилик ва босқинчилик	48	20	43	75	65
фирибгарлик	1145	814	1109	2295	2467
безорилик	105	83	151	333	372
гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар	113	184	110	120	197
иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар	1156	1033	1050	1602	2503
бошқа турдаги жиноятлар	3547	2217	2503	3633	4048

Холатга кўра аёллар ўртасида: Қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга суиқасд қилиш, баданга қасддан оғир жароҳат етказиш, товламачилик, номусга тегиши ва номусга тегишига уриниш, ўғирлик, талончилик ва босқинчилик, фирибгарлик безорилик, гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар ва бошқа турдаги жиноятларнинг содир этилиши кузатилган. Уларнинг орасида фирибгарлик, ўғирлик, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамда бошқа турдаги жиноятларнинг ўсиши кузатилаётганлиги бизни хавотирга солади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўрганилган жиноятчи аёллардан 16,9 % – тўлиқ оиласида, 55,4 % – тўлиқ бўлмаган оиласида (шундан 93,1 % – ёлғиз она қўлида), 12,3 % – яқин қариндошлари томонидан, 15,4 % – болалар уйлари, интернатларда тарбияланган. Бунда тўлиқ оиласида тарбияланганларнинг 42,3% отаси ёки онасининг иккинчи никоҳга киришига гувоҳ бўлган .

Аёллар содир этган жиноятларнинг сабаблари ҳозирги ижтимоий иқтисодий жараёнлар таҳлилиниң кўрсатишича, аёллар жиноятчилигининг асосан қўйидагилар билан узвий боғлиқ:

1) жамиятнинг турли бўғинларида ижтимоий назоратнинг сусайганлиги, жумладан оила ва унинг шаклланишида шошқалоқликларга ҳамда эътиборсизликларга йўл қўйилаётганлиги;

2) жамиятда юзага келаётган номақбул зиддиятлар, одамлар ўртасидаги безовталик ва турли қарама-қаршиликлар, ўзаро қасд ва душманлик кайфияти;

3) жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёхвандлик, фоҳишабозлик, дарбадарлик ва тиланчиликнинг ўсганлигини кузатишимиш мумкин.<sup>21</sup>

Қонунчиликка ажримларни олдини олиш мақсадида, ушбу тажриба асосида оила қурмоқчи бўлган фуқарога, тўйдан олдин ФХДЁ органи орқали хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлардан электрон ариза билан мурожаат этиши йўли билан текширтирса, ажримлар, оила турмуш доирасидаги

<sup>21</sup> Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий ва қriminologik чораларини такомиллаштириш: юридик фанлари доктори илмий дарражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2018. – Б. 22–23.

хуқуқбузарликлар, ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари камайишига эришилган бўларди.

Ундан ташқари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларнинг ваколатлари кенгайтирилиши натижасида ҳар бир оила қўрмоқчи бўлган ёшлар билан бевосита сұхбат ўтказса юқоридагидек салбий ҳолатларни олдини олишда самарали чора-тадбир бўлиб хизмат қиласи.

Никоҳ шартномасини мажбурий тартибда тузиш эр-хотин ўртасида ортирилган мол-мулкнинг хуқуқий асослари кафолатланади, яъни шартномада мулкий муносабатларга оид қоидаларнинг батафсил акс эттирилиши кейинчалик юзага келадиган мулк билан боғлиқ низолар келишмовчиликларни судгача тинч йўл билан ҳал этиш имконияти яратилиб, томонларнинг хуқуқлари ҳимояланишига эришилади.

Оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишларнинг профилактика инспектори эмас балки судда кўрилиши айrim оиласарнинг ажримиға яъни суд томонидан тарафларга жарима жазоси тайинланиши келишмовчиликни авж олишга сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли оиласардаги ажримларни олдини олиш, хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспекторларнинг обрўсини ошириш мақсадида, оила-турмуш доирасидаги хуқуқбузарлар ва томонларнинг ўзаро ярашуви муносабати билан, маъмурий жавобгарликдан озод этиш шунингдек жазони енгиллаштириш ваколатларини судлар билан бир қаторда профилактика инспекторлари ва Хотин қизлар инспекторларига ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.<sup>22</sup>

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, аёлнинг нозик қўлларига кишан эмас, гул, қалбига ёвузлик эмас, эзгулик ярашади. У жамиятимизнинг қўрки бўлмоғи лозим. Унинг тилларидан пушаймонлик, афсус ноласи эмас, аллалар учсин, баҳтдан, толедан куйласин. Бунинг учун эса аёллар қонунбузарлигининг олдини олиш фақат хуқуқ-тартибот идоралари ёки тегишли ташкилотларнинггина эмас, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши лозим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. .Мухторов Ж.С. Жиноятларнинг олдини олишда маъмурий назоратнинг аҳамияти // Хуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 97.
2. Фазилов И.Ю. Жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Хуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б. 79–84.

<sup>22</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолати-дир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруза // Ҳалқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

3. Опыт длящегося криминологического изучения личности во взаимодействии с социальной средой. -М., 1992;
4. Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // Matters of Russian and International Law. – 2017. – Vol. 7. – P. 116 (115–121).
5. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 3–11.
6. Фазилов И.Ю. Жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б.
7. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2009. – 208 б.
8. Шермуҳамедов К. Экстремизм, терроризм ва ахборот хуружлари тараққиётга таҳдид сифатида // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Рес-паб-ликаси ИИВ Академияси, 2015. – 122 б.
9. Ҳўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 186 б. Б 90.
10. Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2018. – Б. 22–23.
11. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолати-дир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.